

Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan
zarafshonbot
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг
2021-yil 22-aprel, payshanba, 47 (23.483)-son

**Кун ҳикмати**

Ибодатнинг энг улуғи ва кераклиси ўқиш, мутолаа ва сабрдир

<u>*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*</u>

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига **12 000 000 (ўн икки миллион) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти** белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда **карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда** Ватанимиз озодлиги ва шон-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маданий-маърифий кечаларни ўтказсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 20 апрель*

# Хотира бор экан – миллат барҳаёт

## Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, бу йилги байрам тадбирлари шу шиорлар остида ўтказилади.**

<u>Қарорга кўра,</u>

*- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади;*

*- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимларга эга ходимларни (шартнома асосида) бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизмати йўлга қўйилади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг истаклари асосида улар республика ҳудудидаги санаторийларга бепул юборилади;*

*- Тошкент шаҳрида 2021 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салюти ташкил қилинади.*

<u>*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*</u>

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

*"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан* **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ йигирма тўққизинчи сессияси **2021 йил 27 апрель куни соат 10:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- вилоят суди раиси О.Ҳайитовнинг "Вилоят судининг 2021 йилнинг I чораги давомида одил судловни амалга ошириш борасидаги ишлари тўғрисида"ги ахбороти;
- вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов, вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаевнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 12 мартдаги Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 2020 йил якуни бўйича вилоятлар бюджетларининг, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан шакллантирилган маблағларнинг мақсадли ҳамда самарали сарфланишини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги СҚ-249-IV-сонли қарори ижроси юзасидан ҳисоботи;
- вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаевнинг "Маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботи;
- вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Шодиеванинг "Вилоятдаги халқ таълими тизимида таълим сифатини ошириш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим кўникмаларини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида"ги ҳисоботи;
- вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Иноғомовнинг "Солиқ тушумларининг ўз вақтида ундирилиши, унга оид прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботи;
- бошқа масалалар.

**Вилоят ҳокими** **Э. ТУРДИМОВ**

*2021 йил 21 апрель* *№76-Қ*

**Бу ҳақда вилоят фаоллар йиғилишида айтилганди**





# Туризм, спорт ва маданият

## соҳаларида нима янгиликлар бўлади?

**Давлатимиз раҳбари Самарқандга ташрифи чоғида 16 апрель куни вилоят фаоллари билан ўтказилган учрашувда Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар, секторлар раҳбарларига жорий йилда вилоятда амалга ошириладиган ишлар юзасидан аҳолига мурожаат қилиш топшириғини берган эди.**

Мазкур топшириққа кўра, Бош вазир ўринбосари, туризм ва спорт вазири А.Абдуҳакимов ҳамда у раҳбарлигидаги комплекс масъуллари туризм, спорт ва маданият соҳаларини ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган вазифалар юзасидан пресс-ҳисобот ўтказди.

Тадбирда А.Абдуҳакимов билан бирга маданият вазири О.Назарбеков, туризм ва спорт вазири ўринбосарлари, кинематография агентлиги бош директори, вилоят ҳокими ўринбосари ва бошқа мутасаддилар иштирок этди ва вилоятда ўз йўналишларида амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берди.

– Давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган вазифалар ҳамда жойларда туризм, спорт, маданият, кинематография соҳалари бўйича олиб борилган ўрганишлар натижасига кўра, ушбу соҳаларни жадал ривожлантириш юзасидан вазифаларни белгилаб олдик, – деди Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов. – Жумладан, туризм соҳасида 2021 йилда мамлакатимиз ҳудудидан Самарқандга 1,3 миллион нафар маҳаллий, пандемия билан боғлиқ вазият яхшиланишига қараб, 220 минг нафар хорижий сайёҳни жалб қилиш орқали туризм соҳасидаги 1000 та иш ўринларини қайта тиклаш, хорижий авиаташувчи компанияларни "Самарқанд аэропорти – Ўзбекистон халқаро туризм дарвозаси" концепцияси асосида Самарқанд халқаро аэропортига жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Шунингдек, Умра+ дастури бўйича хорижий мамлакатлардан зиёратчи туристларни Самарқандга кенг жалб этиш бўйича бир қатор дастурлар амалга оширилади.

Вилоятда замонавий туристик хизматларни яратиш имконини берувчи 8 та меҳмонхона, тематик хиёбонлар, дам олиш ва кўнгилочар объектлар, ҳунармандчилик маркази ва сунъий ҳавзалар фаолияти йўлга қўйилади. Майдони 18 минг кв.м.ни ташкил этувчи халқаро конгресс маркази ва кўргазма мажмуаларини ташкил этиш орқали Самарқанд шаҳри MICE-tourism ва халқаро-сиёсий анжуманлар марказига айланади. Ушбу марказ ишга туширилгандан кейин 2 мингта иш ўрни яратилади. 2020 йилда Самарқанд туманидаги Конигил қишлоғида мамлакатимизда биринчи "Туризм қишлоғи" ташкил этилган эди. Мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида 7,1 гектар ҳududдан иборат 100 га яқин туристик объект, хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этиш орқали 460 нафар иш ўринлари яратилади.

Самарқанд шаҳар Мирзо Бобур кўчасида "Буюк Ипак йўли" музейини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Унда музейга кирган ҳар бир турист юртимизнинг энг қадимги даври, мамлакатимизнинг "Буюк Ипак йўли"да тутган ўрни ва аҳамияти билан голограммалар, 3D-моделлаштириш, VR-тизимлар ва бошқа замонавий технологиялар асосида жонли танишиш имкониятига эга бўлади. Вилоятда ўтказилиши режалаштирилган халқаро анжуманларга пухта тайёргарлик кўриш доирасида шаҳар инфратузилмаси яхшиланади. Президентимизнинг тегишли қарорлари доирасида ажратилган 978,9 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ҳисобидан Самарқанд шаҳрида 83,4 километр автомобиль йўлларини "девордан деворгача" тамойили асосида капитал таъмирлаш, 100,3 километр электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш, 25 километр ичимлик суви, 41,5 километр ахборот коммуникациялари тармоқларини қуриш, 14,1 километр газ тармоқларини тортиш ишлари амалга оширилади.

Жорий йилга мўлжалланган инвестиция дастури асосида 28 миллиард сўм маблағ доирасида 5 та спорт иншоотини янгидан қуриш ва капитал реконструкция қилиш кўзда тутилган. Жумладан, 154 ўринга мўлжалланган барча қулайликларга эга бўлган футбол академияси қурилади. Бюджет ҳамда хусусий сектор маблағлари ҳисобидан 60,4 миллиард сўм маблағ ҳисобига 181 та спорт иншооти ва майдончалари, хусусан, 56 та воркаут, 33 та стритбол, 32 та бадминтон, 60 та мини-футбол майдонлари ташкил этилади.

Маданият вазири О.Назарбековнинг қайд этишича, вилоятдаги 90 та маҳалла ва 45 та маданият маркази билан ҳамкорликда "Маҳаллабай тўгараклар" лойиҳаси амалга оширилиб, 180 та тўгарак очилади. 32 та болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 64 та умумтаълим мактаби ўртасида ҳамкорлик ўрнатган ҳолда биттадан "Болалар ҳаваскорлик ансамбллари" тузилади. Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Мактабда маданият маркази" лойиҳаси амалга оширилади. Самарқанддаги 11 та олий таълим муассасаларининг ҳар бирида талабалар қизиқишидан келиб чиққан ҳолда мусиқа ижрочилиги, анъанавий хонандалик ва рақс санъати бўйича талабалар ҳаваскорлик ансамбллари очилади.

Тадбир давомида Бош вазир ўринбосари ва масъуллар оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

# Президентдан сўралган масалалар ҳал бўлди

**Фаоллар йиғилишида Пахтачи тумани вакиллари Самарқанд шаҳридаги "Она ва бола скрининг маркази"га бориб келиш туман аҳолиси учун қийинчилик туғдираётганини айтиб, мазкур марказнинг ҳудудий филиалини ташкил этишда ёрдам сўраганди.**

Президентимиз ушбу масалани қисқа фурсатда ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берганди.

Шу куннинг ўзида амалий ишлар бошланди ва Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасига сўнгги русумдаги "Mindray DC-60" ультратовуш аппарати келтирилди. Ушбу аппарат ҳомиладорликнинг туғма нуқсонларини эрта аниқлашда самарали ҳисобланади. Бу эса соғлом авлодни дунёга келтиришда жуда катта аҳамият касб этади.

Эндиликда Каттақўрғон шаҳри, Пахтачи, Нарпай ва Каттақўрғон туманлари аҳолиси шу ерда скрининг текширувидан ўтиши мумкин.

Фаоллар йиғилишади Ургут тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори марказий шифохонада чақалоқлар ва болалар реанимацияси бўлими ташкил этиш ва штатлар ажратиш масаласи ҳал бўлмай келаётгани ҳақида Президентга мурожаат қилганди.

Бу муаммога ҳам тезда ижобий ечим топилиб, туман тиббиёт бирлашмасида 9 ўринли чақалоқлар ва болалар реанимацияси бўлими очилди. Бўлим замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди ва штатлар ажратилди. Болалар, гўдаклар ўлимининг олдини олишда муҳим саналган мазкур бўлимнинг очилиши туфайли энди шошилинч ҳолатда ёрдамга муҳтож беморлар вақт йўқотиб, Самарқанд шаҳрига келишига ҳожат қолмади.

Шунингдек, Ургут тумани тиббиёт бирлашмаси таркибида илк бор гемодиализ бўлими ташкил этилди. Салкам 3 миллиард сўм маблағ ҳисобига ташкил этилган мазкур марказ биносини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 1,2 миллиард сўм маблағ ажратилиб, бўлимда тўлиқ реконструкция ишлари бажарилди. Шу пайтгача Самарқанд шаҳридаги тиббий муассасаларга боришга мажбур бўлган буйрак етишмовчилиги билан назоратда турувчи 50 нафар бемор энди туманнинг ўзида гемодиализ муолажаларини олиши мумкин.

**Ватан эътирофи**



**Абдусаид** КЎЧИМОВ,
ёзувчи.

# НУРГА ТЎЛСИН, БОҒЛАРИНГ, УРГУТ!

**Ватан — остонадан бошланади.**
**Остона — бу ёруғ оламга келиб, биринчи қадаминг теккан замин.**
**Одам боласи учун жумлаи жаҳонда бундан азиз, бундан мўътабар, бундан муқаддас маскан йўқ.**
**Ургут мен учун ана шундай қутлуғ, қадрли, бебаҳо.**

*2-саҳифа* »»

# НУРГА ТЎЛСИН, БОҒЛАРИНГ, УРГУТ!




**Шу кунларда “Ургут” ЭИЗда қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Туман ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони эса 220 хилдан кўп. Эҳ-ҳе, нималар йўқ дейсиз улар орасида. Оддий пайпоқдан шоҳона гиламларгача, шифердан европача эшик-ромгача, ғишт, шлак-бетон плиталардан музлаткичу телевизорларгача, автомобилларнинг эҳтиёт қисмларидан фарангларникидан қолишмайдиган атир-упаларгача – ҳамма-ҳаммаси бор. Енгил саноат, чарм-пойабзал товарлари, электр техникаси буюмларининг харидоргирлигини айтмайсизми? Ургут бренди остида тайёрланаётган кийим-кечаклар нафақат қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ёки Россия давлатларида, балки Туркия, Хитой, Саудия Арабистони, Америка бозорларини ҳам обод қилаётир.**

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Самарқанднинг кунчиқар бетини яримта ой сингари ўраб турган Зарафшон тоғ тизмалари этакларида товланиб ётган бу манзилда эрамиздан аввалги юз минг йилликларда ҳам аждодларимиз умргузаронлик қилганлар. Бу тупроқда тош ва бронза даврларига оид бебаҳо тарихий ёдгорликлар мавжудлиги, Ҳазрат Ғавсул Аъзам, Хўжа Закариё авлиёи Варрак, Хўжа Омон, Хўжа Толиби Сармаст, Хўжа Абдол, Ширвоқ ота, Хўжа Иброҳим Кадут каби улуғ сиймоларнинг мақбара-ю қабрлари борлиги, Хўжа Аҳрори Валий ҳазратлари ҳам бир қанча муддат Камангарон қишлоғида яшаганлари юртдошларим қатори менинг кўксимни ҳам фахру ифтихорга тўлдиради. Мирзо Бобур ҳазратларининг Ургут — жаҳонда камдан-кам учрайдиган гўзал маскан экани ҳақида тўлқинланиб ёзганларини; XV асрда юртимизда бўлган араб сайёҳи Ибн Ҳовқалнинг: «Самарқанднинг жанубида Шовдор тоғлари жойлашган. Атрофда бу вилоятчалик киши саломатлиги учун тоза ҳаволи маскан, серҳосил экинзор, энг яхши мевазор боғлар йўқ. Кишиларининг қадди келишган, юзлари ёруғ...» деганларини ўқиганда эса ғурурдан қуш бўлиб учгиларим келиб кетади.

Бироқ.... Минг таассуфлар бўлсинки, шундай мўътабар ва муаззам маскан рус империяси, шўро босқинлари замонида оёқости бўлди, топталди, таланди, хўрланди. «Қадди келишган» кишиларининг қомати букилди, «ёруғ юз”ларидан нур кетди. Улар амал-тақал қилиб кун кўриш, бола-чақа боқиш учун саҳардан шомгача қора терга ботиб ишладилар, аммо чегаланган эски коса оқармади. Оналаримиз, опа-сингилларимиз 40-45 даражали қуёш тиғи остида тамаки ўтаб, тамаки чопиб, тамаки тизганда, эмизикли чақалоқлари пайкал бошидаги уч оёқли «болалар боғчаси»да «роҳат» қилиб «ором» олди, энди-энди атак-чечак қила бошлаган гўдаклари эса чанг-тупроққа беланиб, оналари орқасидан эргашиб бориб, жўяклар орасида ухлаб қолдилар. Биз, мактаб ўқувчилари қишда пол-патологсиз, пахса деворли синфхоналарда совуқдан қалт-қалт титраб китоб ўқидик, дарс қилдик, шу алфозда мактабни битирдик. Фақат бизникимас, Ургутдаги мактабу боғчаларнинг ҳаммаси шундай абгор, ҳатто бизникидан беш баттарлари бисёр эди. Яъники, тумандаги мактабларнинг ярми мослаштирилган, авария ҳолатидаги биноларда жойлашган, боғча ёшидагиларнинг бор-йўғи 13 фоизи боғчаларга қамраб олинган эди, холос.

Аммо бир-биридан эзгин ва хомуш хотиралар қолганига қарамай, ҳадеб Ургутимга боргим, болалигим ўтган чангу тор кўчаларни кезгим келаверади.

Шу йил 15 апрель куни мамлакатимиз раҳбарининг Ургутга борганини кўриб, Ургут ва ургутликлар меҳнатига берган юксак баҳоларини эшитиб, яқингинада бориб келганимга қарамай, яна ичимга чўғ тушди, сиғмай қолдим Тошкентнинг сершовқин кўчаларига. Омонқўтон арчазорларида кезгим, Чорчинор чашмаларида самовий қушлар сингари ўйноқлаб сузиб юрган султон балиқларнинг рақсларини томоша қилиб, Қоратепа денгизи бўйларида хаёлларга ғарқ бўлиб ўтиргим, ҳиндулар ҳақида дунёга машҳур кинофильмлар тасвирга туширилган Тошбургут ёнида жўраларим билан гурунглашгим келиб кетаверди.

Давлатимиз раҳбарининг Ургутга бўлган эътибори, меҳру муҳаббати қанчалар чексиз ва самимий эканидан хабарим бор. У киши вилоят ҳокими бўлган йилларда Чорчинор, Ғавсул Аъзам зиёратгоҳлари ва қанчалаб азиз қадамжоларни обод қилиш ишларига шахсан бош-қош бўлгани ва яна, ҳамиша “мен ургутликларнинг кўзларида шиддат кўраман, шижоат кўраман”, дея ифтихор қилганларини ҳам яхши биламан. Бу галги сафарларида “Ургут” эркин иқтисодий зонаси бунёдкорлари ҳақида айтган сўзлари, худдики менга қараб айтилгандек, руҳи равонимни баҳорий насимлар сингари яйратиб, тебратиб, тўлқинлантириб юборди. Эҳтимол, шудир: Ватан – остонадан бошланади, деганлари.

Ёшдирсан, қаридирсан, жаҳоннинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиққан аллома-ю замондирсан, барибир, ҳар гал кўз очиб кўрган мўътабар остонага қадам қўйганда юрагинг кўксингга сиғмай ҳаприқади, ичинг ҳаяжондан капалак қанотлари каби титрайди. Самарқандга яқинлашиб, Зарафшон кўпригидан ўтаётганда бошланади менинг вужудимда ана шундай инжа титроқ. Ҳар гиёҳу ҳар дарахт аллақандай сирли-сеҳрли жилвалана бошлайди. Дарғомдан ошиб, Ургут тупроғига қадам қўйган лаҳзаларда эса булоқ сувларидек тиниқ ҳаволарида кийик ўти, ялпиз, зира ҳиди гуркираб анқиб тургандек яйраб кетади дунё-ю дуним. Тошкент-Термиз шоҳкўчасининг икки тарафида яшнаб ётган навқирон олмазор боғлар, узумзорларга боқиб тўймайман. Бу жойлар беш-олти йил аввал офтобда ҳарсиллаб ётган қип-яланғоч дашт бўлганини эсласам қувончимга қувонч қўшилади. Бир учи Оҳалиқ тепаликларига, бир учи Чақиликалон ва Қоратепа тоғларига туташиб кетган боғ-роғлар орасидан ўтган Катта Ўзбекистон тракти Қоратепа, Омонқўтон қишлоқларини кесиб ўтиб, Тахтақорача довони оша Қашқадарё воҳасига эниб кетади. Ургут тумани марказига бориш учун Еттиуйлига етмай, катта йўлдан чапга — Кенагас томонга бурилиш керак. Кенагасдан Ургутгача 18 километр. Кенагасдан кейинги қишлоқ, бизники. Қишлоғимиз билан Ургут орасидаги 16 километрлик йўлнинг ҳар қаричи менга беш қўлдай таниш. 5-6-синфда ўқиб юрган пайтимдан бошлаб то ўнинчини битиргунча ҳафтада икки марта акам билан гоҳ эшакда, гоҳ эшак аравада шу йўлдан қатнаб сомон сотганмиз.

Чоршанба ва якшанба кунлари сомон бозори бўларди Ургутда. Оиламиз йиртиғига ямоқ бўлсин деб 8-синфда ўқийдиган акам билан бозорга қатнардик. Комбайн ўроғига илинмай қолган буғдойпоя — соворани йиғиб, хирмон қилиб уярдик-да, эшакларни бир-бирига моташтириб офтоб тиғида савора янчардик. Савора эшаклар туёқлари остида майда-майда бўлиб кетгандан кейин, сомонхонани тўлдириб, қиш бўйи сомон сотардик. Бир қоп сомон 2,5-3 сўм эди. Бозор эрта тонгда бошланиб, кун чиқар-чиқмас тугаб кетар, кеч қолмаслик учун ярим оқшом йўлга чиқиш шарт эди. Ҳар хил тасодифлар бўларди йўлда. Бир гал, қишнинг аёзли тунида, бир гала бўриларга дуч келиб қолдик. Бўрилар пастки Бешкападан чиқиб, тоғ томонга ўрлаб борарди. Устига тўққиз қанор сомон ортилган аравани жимгина тортиб бораётган эшак қашқирларни кўрибоқ таққа тўхтади. Шалпанг қулоқлари карнайдай диккайиб кетди, тўрт оёғини олдинга тираб, орқага тисарила бошлади. Халачўп билан урамиз, сўкамиз — қулоқ солмайди! Ўзимиз ҳам қўрқувдан қалт-қалт титраймиз. Менинг тилим танглайимга ёпишиб қолгандай эди. «Ўлдик!!» дейман кўзларимни чирт юмиб ичимда. Бир маҳал акам қўлидаги ўроқнинг орқаси билан арава чархининг темирига тарс-тарс уриб, овозининг борича бақириб аллақайси ашулани айтиб юборди, денг! Ашула, ашуладан кўра, кўпроқ йиғига ўхшаб кетарди. Худо бир асради — бўрилар, қорни тўқ экан шекилли, биз томонга қараб-қараб, тоққа ўрлаб кетди. Аравамиз йўл четидаги чуқурга ағнаб тушай деганда, эшагимиз тисарилишни тўхтатди...

> **Яна бир сафар, бир ўзим эдим, Мерганча қишлоғига етай деганимда илиққан итлар эшагимни ҳуркитиб юборди. Икки қоп сомонга қўшилиб ерга ағнаб тушдим. Эшагим ўзимга ўрганган, қочиб кетмади. Аммо қопларни ортишга кучим етмай, биронта йўловчи келиб қолишини кута-кута бозордан қолиб кетдим.**

Ҳозирги манзаралар қаёқда дейсиз, у замонларда? Уйимиз билан Мерганча орасидаги салкам 15 километрлик масофада бир туп қайрағочдан бўлак, уй тугул, чайла ҳам йўқ! Жизилловуқлар жизиллаб ётган қип-қизил дашт. Ёмғирда лойга, иссиқда чангга беланиб ётувчи кимсасиз кўчада онда-сонда ўтиб қоладиган тележкали трактор ёки ёнбошига “Молоко” деб ёзилган сут ташувчи эски машина, яккам-дуккам от-эшакли бозорчилардан бошқани учратиш амри маҳол эди кундуз кунлариям. Бугун эса...

Бугун ҳақида гап бошлашдан аввал яна бир ўта жиддий муаммони айтмасам бўлмас... Эътибор беринг, 1978 йили Ургут туманида 140 мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилган. Бу рақам 2005 йилда 350 мингга етди. Ҳозир эса 550 мингдан ошиқ. Агар 1970 йилда аҳоли зичлиги бир квадрат километрга ўртача 117 кишига тўғри келган бўлса, 2002 йилга келиб 300 кишига етди. Бу зичлик шу кунларда қай даражада эканини энди ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Ер – ўша, сув – ўша, туман ҳудуди ҳам ўша-ўша – бир қадам кенгайган эмас. Янги оилаларга томорқалар ажратиш, уй-жойлар, йўллар, корхоналар қуриш оқибатида фойдаланиладиган, экин экиладиган майдонлар кунма-кун озайиб боряпти. Шу кетишда яна 20-30 йилдан кейин нима бўлади? 50, 80, 100 йилдан кейинчи? Яна, Худога шукур, ҳамма ўзбеклар сингари, ургутликлар ҳам болажон – ҳар йили 15 мингдан 20 минг нафаргача фарзанд дунёга келяпти! Ургут бунча аҳолини қандай қилиб бағрига сиғдиради? Улар қандай яшаб, қандай ишлаб, қандай ҳаёт кечиради? Энг оғир, энг қийин ва жавоби мавҳум саволлар эди яқин-яқингача бундай муаммолар.

Бугун-чи? Мана, энди бугун ҳақида сўзлаш мавриди келди.

Очиғи, бугунги эврилишларни кечаги кунлар билан солиштириш... эртак!

Ҳа, нақ эртакнинг ўзи! Тасаввур қилинг-а? Яқингинада пасту патак чолдевор сифат уйда кун кечирган кампир энди 12 қаватли ҳайбатли иморатда яшамоқда! Худдики, “Маҳаллада дув-дув гап” фильмидаги Меҳрихон аядек осмонўпар бино айвонидан пастга қараб “Вой тинчимагур одамлар-эй, нималарни ўйлаб топишмайди-я!” деб ҳайратланиб тургандай... Ҳалигина айтувдим, қишлоғимиздан Мерганча овулигача битта қайроғочдан бўлак чайлаям йўқ эди, деб. Ҳозирчи, ҳозир бир одим бўш жой топиш азоб – ҳаммаси эгалланган, ҳаммаёқда ўзгариш, қурилиш, гир-теварак янги русумдаги боғ-роғлар. Кафтдай текис асфальт кўчага сиғмай кетаётган турнақатор машиналарга, икки ёнда маржондай тизилган кўркам ва шинам уйларга қараб кўнглинг мунаввар тортади: дўконлар, ошхоналар, аҳолига маданий-маиший, автоуловларга техник хизмат кўрсатиш, бензин ва газ қуйиш шохобчалари... Чин шаҳар, ҳақиқий шаҳарнинг ўзи! Айниқса, одамнинг ҳавасини келтирувчи янги типдаги замонавий уйларни айтмайсизми?! Бу иморатлар нафақат намунавий лойиҳалар асосида барпо этилгани-ю кўрку салобати, балки яшаш учун қулай ва мукаммал шарт-шароитлари билан ҳам шаҳарникидан қолишмайди. Икки-уч йил орасида неча юзлаб худди шундай уйлар барпо этилди.

Машҳур «Ургут жаҳон бозори» ҳам шу кўчада. Бозоржой ҳам яқин йилларгача заранг тошлоқ эди. Фақат Ургут ёки Самарқандда эмас, балки республикамиздаги энг катта бозорлардан бири ҳисобланадиган бу улкан савдо мажмуаси қисқа муддатда барпо этилди. Бир неча минг савдо шохобчалари, турли хил маданий-маиший тармоқлар, банк, телефон, халқаро почта бўлимлари, ошхона-ю чойхоналар тўпламидан иборат бозор катта шаҳарлардаги ҳайбатли «гипермаркет”лардан қолишмайди, бозор ҳавоси қишин-ёзин мўътадил. Бозор олди гулзор-боғ, кираверишда – катта йўлдагиларгаям, бозорчиларгаям халақит бермайдиган кенг майдон, майдонда бир неча юз машина сиғадиган автоуловлар тўхташ жойи. Бозорнинг бу ерга «кўчиб» келганига кўп бўлган эмас. Бозор аввал туман марказида, одамлару машиналар чумолидай қайнаб ётган серқатнов йўл ёқасида эди. Самарқанд – Ургут йўналишидаги автомашиналар соатлаб тиқилинчда туриб қолар эди. Эски бозор ўрнида гўзал истироҳат боғи барпо этилди. Катталар ва болалар учун турли аттракционлар, осмонўпар фаввора, ўрдаклар сузиб юрадиган кўл, чўмилиш ҳовузлари, стадион, амфитеатр... Оромгоҳ ёнбошида янгидан қурилган спорт мактаби.

– Ургутимизнинг бугунини аввалгиси билан таққослаб бўлмайди, – дейди синфдош жўрам Қуддус Асқаров. – Мана, мисол учун, маориф соҳаси. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида тумандаги 70 та мактабнинг биттагинасида табиий газ бўлиб, қолганлари таппи-тезак ёқарди. Ҳозир мактаблар ҳам, коллежу академик лицей ҳам, боғчалар – ҳаммасида келажагимиз бўлган ёш авлод тарбияси, илм олиши учун барча шароитлар муҳайё.

Яна бир синфдош дўстимиз Тожибой Облоқулов (жойи жаннатдан бўлсин)нинг армонли сўзлари ҳамон қулоғимдан кетмайди: шўролар замонида икки марта — биринчи сафар 10 йил, иккинчи сафар 5 йил — жами 15 йил тумандаги энг йирик колхозлардан бири — «Правда»га раислик қилиб, шунча йил каттакон бўлиб, ўғлимга битта велосипед олиб беролмадим. Мустақилликдан кейин фермер бўлиб мошин олдим, уй қурдим, тўй қилдим. Фақат менмас, ўзбек деҳқонининг кўпи бой бўлиб қолди. Бу ютуқларнинг томири – мамлакатимиз кескин муаммолар гирдобида қолган мураккаб ва оғир кунларда биринчи Президентимизнинг Фармони билан ерни одамларга томорқа қилиб берилишидан бошланди. Фармон эълон қилинганда суюнганидан дўпписини осмонга отганлар жуда кўп бўлди. Кейин эшитсак, фармон муносабати билан Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси булиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилган экан. Фермерлик ҳаракати билан ер ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига ўтди. Деҳқонлар ерга аллакимнинг мулки деб эмас, ота-бобомдан қолган ва болаларимга мерос қилиб қолдирадиган муқаддас бойлик деб меҳр қўядиган бўлдилар. Ҳосилдорлик кескин ошди. Аммо... Кейин кўз тегдими, нима бўлди – билмайман. Бирданига текшир-текшир, буйруқбозлик, коррупция урчиб кетди. Бунинг устига газ ҳам, свет ҳам қароқчи талагандай йўқолди. Гангиб қолдик. Қўлимиз ишдан совуди. Бекорчилар кўпайди. Неча минглаб йигитларимиз иш қидириб, бегона юртларга чиқиб кетдилар. Лекин мана, қилса бўларкан-ку!

Ҳа, бўлар экан.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январь куни “Ургут” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида фармон қабул қилди. Ургут жавоҳирга лиммо-лим сандиқ эди-ю, бу ҳужжат ана шу сандиқнинг калити бўлди гўё. Ростини айтганда, буни кўпчилик сезмас, англамас, фармон Ургут тарихида туб бурилиш ясаяжагини ҳали биров билар, биров билмас, билганлар ҳам гоҳ ишониб, гоҳ ишонқирамай гумонсираб турар эдилар. Илло, минг-минглаб азиз фарзандлари қўшни Қозоғистондан Туркия-ю Америкагача бўлган давлатларда, ким-кимларнинг эшигида хизматкорлик қилиб юрган ота-оналарнинг бир муддат карахт бўлгани, уларга фармондаги беқиёс режалар бамисоли саробдек жимжимадор кўрингани ҳам бор гап. Руҳи чўкиб, шашти синиб, эртасига ишончи йўқолган кишиларнинг шундай хаёлларга бориши нотабиий эмасди. Устига устак на газ бор, на свет. Йўллар бўлса бамисоли тухумкаробка, инфратузилма дабдала. Ана шундай шароитда улкан режалар тўғрисида сўзлаш, баъзиларга туя ҳаммомни орзу қилгандай туюларди гўё. Аммо ипидан-игнасигача ўлчаб, ҳисоб-китоб қилинганидан кейин эълон қилинган фармон сал ўтмай, йиллар давомида юмилиб, кўмилиб қолган чашма-ю булоқларнинг кўзларини очиб юборди. Мавжуд хомашё ва инфратузилмадан самарали фойдаланиб, қишлоқ жойларида саноатни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш каби ўта ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги юмушлар қизиб кетди. Дастлаб, фармонда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш учун Ургутдан ташқари, Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом, Нуробод туманлари ҳамда Самарқанд шаҳридан жами 1200 гектардан зиёдроқ ер майдони “Ургут” ЭИЗсига ажратиб берилди.

Ургутда ёзилмаган, аммо ҳамманинг вужудига сингиб кетган шундай анъана бор: чин раҳбар бўлсанг, ҳуда-беҳуда ишимизга аралашиб, йўлимизга тўғаноқ бўлма, ақл ўргатиб, асабимизга тегма, ишлаш учун шароит яратгину, истаганча талаб қил, ана шунда кўрасан чинакам мўъжиза нималигини. Бу сафар айнан шундай бўлди: меҳнаткаш, тадбиркор қўллар қисқа вақтда 313 миллион долларлик 55 та лойиҳани муваффақият билан амалга оширдилар. 4 минг 328 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

Яқинда мазкур фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича яна бир дадил қадам ташланди. Шу йил 13 март куни Вазирлар Маҳкамаси “Ургут” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, туманнинг Ўрамас мавзеси ҳудудидан 50 гектар, Самарқанд шаҳрининг Хишрав мавзесидан 294 гектар майдон “Ургут” ЭИЗга ажратилади. “Ургут” ЭИЗнинг Мерганча ҳамда Сариқтепа мавзеларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида туман ҳудудидан ўтувчи юқори кучланишли электр узатиш тармоғидан алоҳида подстанция қурилади. Бу – янги иншоотлар, йўллар пайдо бўлади, янги инвестиция лойиҳалари кириб келади, деганидир.

Шунақа. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар аста-секин жаҳон бозорларини эгаллаётир. Яратиш, янги марраларни эгаллаш иштиёқи эса кун сайин кучайиб бормоқда. Мебель ва консерва заводлари қаторида юзлаб катта-кичик саноат корхоналари, тикув цехлари, микрофирмалар борган сайин кенгайиб, қанот ёзиб бораётир. Мерганча массивидаги “Kamalak Tekstil” корхонаси гиламдан ташқари, тафтинг, ковролин маҳсулотлари, синтетик ип ва сунъий чим ишлаб чиқараётир. Уларнинг ёнига ҳар йили яна қишлоқ хўжалик, полиз ва боғдорчилик маҳсулотларини қайта ишловчи, қадоқловчи кўплаб корхоналар қўшилмоқда. Энг муҳими, барча корхоналар Бельгия, Швейцария, Австрия, Франция, Германия, Туркия, Хитой каби мамлакатлардан олиб келинган замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Лўнда ифодалаганда, мамлакатимизнинг барча халқлари каби ургутликлар ҳам ўз уйи – Ургутни янада кўркам, янада муҳташам қилиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ватан ичидаги Ватаним! Бобом, момом, отам, энам, акаларим мангу қўним топган муқаддас тупроқ – Ургутда бугун тарихий эврилиш жараёнлари давом этмоқда.

Катта-ю кичик билагини шимариб, белини янаям маҳкамроқ боғлаган. Орзулари осмон қадар юксалиб, боғлари нурга тўладиган замонлар келганини мукаммал англаб туришибди улар. Улар азиз масканни Ўзбекистон Швейцариясига, Лас-Вегасига айлантириш иштиёқида.

Россиядаги “Совкомбанк” бош таҳлилчиси Михаил Васильев Ўзбекистонни “Марказий Осиёнинг янги йўлбарси”, дебди. Дунёдаги нуфузли нашрлардан яна бири Forbesда эса таниқли журналист Малик Кайлан ёзибдики: “Шавкат Мирзиёев Президент бўлганидан сўнг Ўзбекистонда ҳайратли даражадаги ўзгаришларни амалга оширди”. Шундай фидойи карвонбошинг бор экан, Ургутим, сен ҳадемай жаҳоннинг гўзал, одамлари бахтли, фаровон яшайдиган маконига айланасан. Сенинг алпона қудратингга ҳамма ишонади. Ишонмайдиганлар бўлса, омон бўлсинлар улар ҳам. Омон бўлсинлар ва сабр билан кутсинлар, кузатсинлар, томоша қилиб турсинлар. Нурланиб, жилоланиб бораётган Ургут боғларининг шавқу латофатига гувоҳ бўлиш уларга ҳам насиб этади, албатта. Кабиру кибриё кунлар кўпам узоқ эмас.

> **Зотан, Президентнинг кечаги ташрифидан сўнг, “Ургут” ЭИЗси улкан холдингга айланадиган бўлди. Халқ билдирилган юксак ишонч учун ўз йўлбошчисини алқаётир. Ўз Президентининг ишончини оқлаш учун қалқаётир. Бу қалқинишлар қошида бўронлар ҳечдир, тўзонлар ҳечдир, довуллар ҳечдир.**

– Яхши биласиз, мен умри мактаб-маориф ичида ўтаётган кекса муаллимман, – дейди Қуддус ўртоғим. – Бир зиёли сифатида атрофда, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни баҳоли қудрат кузатиб келаман. Шўро замонида Брежневидан, Горбачевигача бўлган раҳбарларни кўрдик. Ҳозир ҳам давлат бошлиқлари фаолиятига беэътибор эмасман. Ва, қиблага қараб айтаманки, ўзимизнинг Президентдай меҳнаткаш раҳбар оламда бўлмаса керак! Россия Президенти Путин жаноблари ҳам бизга таассуб қилиб, энди-энди селектор йиғилишлари ўтказишни бошлади. Лекин ҳайрон қоласанки, шундай карвонбошининг қадрига етмайдиган, юмушларимизни менсимай, пач уришга тиришадиган кимсалар бор экан. Ижтимоий тармоқларда гоҳ-гоҳ кўзим тушганда, тўғриси ичим ачийди, раҳмим келади ўшаларга.

Ростини айтайми, Ургутда Учинчи Ренессанс бошланиб кетди. Фақат шиддатли ўсишлар қуршовида ўзимиз сезмаяпмиз ҳали буни.

Дўстимнинг хулосаларида чин ҳақиқат мужассамдек туюлди менга. Фақат, ростдан ҳам сершиддат юмушлар тўфонида ўзимиз англамаётган бўлишимиз мумкин.

Аммо бу – Ургут жаннатий манзилга айланиб кетди, дегани эмас. Ундай эмаслигини яхши биламиз. Яхши биламиз: туманда кўзлари тўрт бўлиб ечимини кутиб ётган муаммолар ҳали-ҳозирча оз эмас. Уларни ҳал қилмоқ учун қанча куч, қанчадан-қанча маблағ зарурлиги ҳам аён ҳақиқат. Аммо Чўлпон айтганидек, “Халқ тўлқиндир...”. Тўлқин эса йўлидаги тўсиқларни писанд қилмайди, ювиб ташлайди, оқизиб кетади.

Қисқа сафардан қайтаётиб, Дарғом кўпригидан ўтгандан сўнг, йўл четидаги тепаликка чиқиб, олам-жаҳон таассуротлар оғушида бир муддат Ургутимга тикилиб ўтирдим. Ва, беихтиёр:

— Нурга тўлсин, боғларинг, Ургут! — дея ҳайқиргим келиб кетди.

# Ибратли ҳаёти биз учун мактаб эди

**Ёшингиз улғайиб, таҳлил-мушоҳадангиз вазмин бўлгани сари бирга меҳнат қилган, сафдошларингизни ёдга олиб, уларнинг ҳаёт тарзи, ўгитлари ва яхши хислатларини эслаб, нимадир ўрганишга ҳаракат қилар экансиз. Ҳар гал Эркин Эргашевни хотирлаганимизда аввало, у кишининг ҳам ибратли ҳаёти, ўзига хос бўлган одатлари, фазилатлари кўз олдимизда намоён бўлади.**



Эркин аканинг касби агроном, шу соҳада фан номзоди бўлган. Кўп йиллар пахтачилик илмий-текшириш институтида илмий ходим сифатида ишлаган. Шу даврда билими, иқтидори ва ташаббускорлик фазилатлари билан раҳбарлар эътиборига тушиб, Самарқанд вилояти партия қўмитасига ишга таклиф қилинади. Бу ерда йўриқчиликдан ишни бошлаб, биринчи котиб ёрдамчиси, Иштихон тумани партия қўмитасида котиб, янги ташкил этилган Қўшработ тумани партия қўмитасининг биринчи котиби вазифаларида самарали меҳнат қилди.

1982 йилдан 1999 йилга қадар энг йирик тармоқлар ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмитасини бошқарди. Бу йиллар давомида вилоятдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида, хўжаликларда ишчи-ходимлар учун қулай меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг саломатлигини тиклаш бўйича профилакторийлар хизматини йўлга қўйиш, болалар оромгоҳлари ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш Эркин аканинг доимий эътиборида бўлди. Ўша пайтларда у киши билан бирга ишлаб, юксак инсоний фазилатлари, ниҳоятда камтаринлиги ва одамлар билан муомала-муносабатда хушхулқлигини кўриб, ҳавас қилганмиз. Бу фазилатларни ўрганишга интилганмиз.

Меҳнат муҳофазаси, иш ўринларининг хавфсиз бўлиши масаласида ҳам Эркин ака жуда талабчан эди ва бу борада иш берувчилар олдига аниқ талаблар қўя оларди. Баъзида ишлаб чиқариш жараёнида жароҳат олган ходимларга товон пулларини тўлашда айрим раҳбарларнинг сусткашлик қилиш ҳолатлари учраб турарди. Ана шундай пайтларда Эркин ака раҳбарлар олдига қатъий вазифа қўйиб, бажарилишини таъминларди.

Ўша пайтда вилоятдаги жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларининг йирик сутчилик чорва фермаларида меҳнат қилаётган соғувчиларнинг четдан қараганда оддий кўринган, аммо узлуксиз иш жараёнини енгиллаштириш, уларга қулайлик яратиш мақсадида иш жойларида дам олиш хоналари ташкил этишга бош-қош бўлганди.

Эркин ака меҳнат фаолияти давомида ва нафақага чиққандан кейин ҳам доимий мулоқотларимизда ҳамма вақт барча билан самимий, хушфеъл муносабатда бўлар, биз шогирдлари, дўстларидан маслаҳат ва ёрдамини аямасди.

– Эркин ака билан узоқ муддат бирга ишлаганман ва кўп нарсани ўрганганман, – дейди ҳамкасби Рўзимурод Шокиров. – Қайси лавозимда ишламасин, зиммасига юклатилган вазифани бекаму кўст бажармагунча тинчимасди, қўл остидагилардан ҳам шуни талаб қиларди. Давлат, раҳбарият бирор вазифани ишониб топширдими, уни сидқидилдан бажариш, ишончни оқлаш керак, деб таъкидларди. Эркин акадай бағрикенг инсон билан бирга ишлаш ҳамда қарилик чоғида ҳам ҳамсуҳбат бўлиш насиб этганидан шукрона айтаман.

Бугун ёшларнинг кундалик турмушида, ҳаётида олдига қўйган вазифаларга эришишдаги астойдил ҳаракатлари кишини қувонтиради, албатта. Аммо ўз орзу-ҳавасларига осон эришиш, фаровон турмуш кечиришга тез етишига интилишдаги шошқалоқлиги ўйлантиради. Ана шундай пайтларда Эркин аканинг “ҳар бир муваффақият, ўз касбини устаси бўлиш бир кунда бўладиган иш эмас, балки йиллар давомида ўқиш ва изланиш, ҳаёт мактабида пишиш, чиниқиш билан амалга ошадиган жараён”, деган сўзлари ёдга тушади.

**Аъзам ИСОҚОВ,**
**Маҳмуд АҲМЕДОВ.**

## Нормамат ОЛИМОВ



Ҳамкасбимиз, ажойиб ижодкор Нормамат Олимов вафот этди.

Н.Олимов 1957 йилда Самарқанд туманининг Боғимайдон маҳалласида туғилди. 1982 йилда Самарқанд педагогика институтини тугатиб, редакцияга ишга келди. Тез орада у ўзига хос ёзиш услубига эгалиги, маҳорати билан таҳририятда обрў қозонди. Характерида бирдан олов оладиган шиддати бор, қалби дарё йигит эди.

“Гулобод тонги” газетасининг истиқлол йилларида чоп этилган саҳифаларига кўз ташлаган киши унинг ижоди ўша йиллари сермаҳсул бўлганини сезади. У қиссалар ёзди, тожик адибларининг ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилди. Таҳририятда адабий ходим, бўлим мудири ва масъул котиб бўлиб ишлади.

У Самарқанд туманида юз бераётган ҳар бир янгилик, ўзгаришларни кузатар, уларни моҳирлик билан газетхонларга етказарди. 1983 йилдан буён Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси эди.

Нормамат оилада севимли ота бўлиб, тўрт нафар фарзанд ва набираларини улғайтирди.

Шафқатсиз ўлим ҳамкасбимизнинг янги-янги режаларини армонга айлантирди.

Қалби дарё журналист Нормамат Олимовнинг порлоқ хотираси доим қалбимизда сақланади.

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими.**

## Бўри ТИЛЯКОВ



Вилоятимиз тиббиёт соҳаси оғир жудоликка учради. Шафқатсиз ўлим таниқли травматолог, моҳир шифокор, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг травматология ва ортопедия кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори Бўри Тиляковни орамиздан олиб кетди.

Бўри Тиляков 1941 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. 1965 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тамомлагач, институт 1-клиникаси нейрохирургия бўлими интернатида, 1968 йилдан бошлаб Россия марказий травматология ва ортопедия институти аспирантурасида таҳсил олди.

Бўри Тилякович педагогик фаолиятини 1978 йилда институтнинг травматология ва ортопедия кафедраси ассистентлигидан бошлади. Бир йил ўтгач, мазкур кафедрада доцент, кафедра мудири вазифаларида ишлади. 1997 йилдан бошлаб Навоий тоғ-металлургия комбинатининг 5-тиббий-санитария қисмида бўлим бошлиғи, Кармана туман марказий шифохонасида бўлим мудири лавозимларида меҳнат қилди.

2007 йилдан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг неврология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия кафедраси профессори сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Б.Тиляков 1972 йилда номзодлик, 1983 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. У 150 дан ортиқ илмий иш, 10 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 6 та ихтиро, 1 та монография муаллифи ҳамдир. Олимнинг илмий-тадқиқот ишлари нафақат республикамизда, балки МДҲ ва Европа давлатларида ўтказилган кўплаб нуфузли амалий конференцияларда эътироф этилган.

Б.Тиляков йирик бўғимларни мураккаб эндопротезлаш, тизза ва тирсак бўғимларини постравматик контрактураларини аппарат-жарроҳлик усулида даволаш билан шуғулланиб келган саноқли шифокорлардан эди. У катта тажриба ва чуқур билимга эга шифокор сифатида юзлаб оғир аҳволдаги беморларни даволашда муносиб ҳисса қўшган.

Ўзининг инсонпарварлиги, халқчиллиги туфайли вилоят ва шаҳар жамоатчилиги ўртасида ҳурмат ва эътиборга сазовор эди. Меҳрибон ота, оилапарвар инсон сифатида 3 фарзандни тарбиялаб, ҳаётда муносиб ўрин топишларига шарт-шароит яратди.

Бўри Тиляковнинг ёрқин хотираси оиласи, дўстлари, ҳамкасблари ҳамда шогирдлари қалбида абадий сақланажак.

**Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси.**

«««« Мурожаатлар эътиборда »»»»

**Самарқанд шаҳар Хўжа Зудмурод маҳалласида яшовчи Ш.Ҳамидованинг ҳеч қанақа моддий ёрдам берилмаётганлигидан норози бўлиб, вилоят ҳокимининг telegram мессенжерига қилган мурожаати Самарқанд шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.**



# Ҳамидовага моддий ёрдам бериладиган бўлди

Ўрганиш жараёнида Ш.Ҳамидова Самарқанд шаҳар Хўжа Зудмурод маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган бўлса-да, бироқ Мулиён маҳалласида рўйхатда туриши аниқланди. Ҳақиқатан ҳам ишсиз, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди бор. Аммо Мулиён маҳалла фуқаролар йиғинига нафақа (моддий ёрдам) тайинланишини сўраб мурожаат қилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 3-иловаси 11-бандига асосан болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг яшаш жойи бўйича доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхати мавжуд бўлганда, ўзининг ёки оила аъзосидан бирининг ёзма аризасига асосан тайинланиши белгиланган.

Шунингдек, алоҳида ҳолларда оилада муомалага лаёқатли аъзолар бўлмаган тақдирда, нафақа ва моддий ёрдам ушбу оиланинг яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг ёзма тақдимномасига асосан тайинланиши кўрсатилган.

Шулардан келиб чиқиб, Ш.Ҳамидовага моддий ёрдам тайинлаш учун аризаси унинг иштирокида доимий рўйхатда турган жойи бўлган Мулиён маҳалла фуқаролар йиғинига топширилди ва унинг ижроси бўлимимиз томонидан назоратга олинди.

**Темур ШУКУРОВ,**
**Самарқанд шаҳар адлия бўлими ходими.**

# Замонавий география хонаси қандай бўлиши керак?

**Замонавий география хонасида фанга оид кўргазмали воситалар, АКТ воситалари, турли хил кўринишдаги хариталар, жумладан, материклар тасвири туширилган хариталар, дунё океанлари хариталари, Ўзбекистоннинг ҳар бир туман, вилоятларининг маъмурий-ҳудудий, табиий хариталари, чегарадош давлатлар харитаси ва зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши керак.**



Шунингдек, физика ва кимё фанлари каби география фанидан ҳам лаборатория хонаси ташкил этилса, мақсадга мувофиқ. География лаборатория хонасида юқорида келтирилган кўргазмали қуроллар ва жиҳозлардан ташқари, об-ҳавони аниқлашда ишлатиладиган географик асбоблар бўлиши лозим. Масалан, анемометр (шамол тезлигини ўлчайдиган асбоб), барометр (ҳаво босимини ўлчайдиган асбоб, флюгер - шамол йўналиши ва тезлигини ўлчайдиган асбоб), гигрометр (ҳаво намлигини ўлчайдиган асбоб), термометр (ҳаво ҳароратини ўлчайдиган асбоб), нефть, мармар, кўмир, турли хилдаги минерал бирикмалар, рангли металлар ва бошқа турдаги фойдали қазилмалар намуналари, уларни қазиб олиш ҳудуди макетлари бўлиши керак.

**Нилуфар АҲМЕДЖАНОВА,**
**Самарқанд шаҳар 15-ўрта таълим мактаби география фани ўқитувчиси.**

REKLAMA, E’LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e‘lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!**

Самарқанд тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ “Ф.Қосимова агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан жами 4,7 га. (шундан: 1,6 га. сувли, 2,4 га. узумзор, 0,4. га. ариқ ва зовурлар, 0,3 га. йўллар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 30 апрелга қадар қабул қилинади.

**Манзилимиз: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.**

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Пайариқ туман Челак «Агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305177194) ўз устав фондини 4 841 146 081 (тўрт миллиард саккиз юз қирқ бир миллион бир юз қирқ олти минг саксон бир) сўмдан 1 554 278 650 (бир миллиард беш юз эллик тўрт миллион икки юз етмиш саккиз минг олти юз эллик) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Пайариқ тумани, Челак шаҳарчаси, Шароф Рашидов кўчаси, 55-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Қиличов Тошбури Рахимовичга (2020 йил 21 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Хафизов Вахобга (1972 йил 15 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Алланазаров Темир Мустафакуловичга (2020 йил 13 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Восеев Сайитга (2010 йил 16 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Азизов Абдурашидга (2020 йил 3 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Нарпай туманидаги 61-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Абдиев Жамол Абдуллаевич номига берилган O‘R-A № 1083650 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «GYBRYDECOSOLAR SYSTEM» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 303388227) қарашли Самарқанд шаҳри Қўрғонча маҳалласида жойлашган ишлаб чиқариш базасининг кадастр ҳужжатлари тўплами (2018 йил 3 апрелда берилган, рақами 377-126-63) ва жамият низомининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежидан 2019 йилда Нарзиқулов Беҳзод Баҳодурович номига берилган рўйхат рақами 1019, К № 5566100 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон иқтисодиёт коллежидан 2002 йилда Нармурадов Шерзод Дусмахатович номига берилган Т № 040974 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Эшонкулова Мархабо Муртазокуловна номига берилган U № 1866065 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Содикова Маржона Салимжон қизи номига берилган U № 5350069 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 1998 йилда Шерматова (ҳозирда Баҳрамова) Мохира Абдуфаттаховна номига берилган O’R-A № 405622 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейидан 2015 йилда Раббимова Камола Абдулло қизи номига берилган L № 239261 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Ибрагимова Дилафруз Азамовна номига берилган U № 3714120 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 23-ўрта мактабдан 2002 йилда Мухаммадиева Дилновоз Ҳусановна номига берилган O‘R-Z № 1266832 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабидан Мансурова Баҳора Исматулло қизи номига берилган U № 4836482 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Жабборова Маҳлиё Холмамат қизи номига берилган U № 2516206 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Яхшиева Шахло Шомалик қизи номига берилган U № 2549845 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 20 апрель 46-сони 3-саҳифасида «БЕКОР ҚИЛИНАДИ» сарлавҳаси остида Паст Дарғом туманидаги «MANSURJON G`OLIB DALASI» фермер хўжалигининг (СТИР: 302513997) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилганди. Ушбу думалоқ муҳр ва бурчак тамға топилганлиги сабабли эълон **ҳақиқий ҳисобланмайди.**

# Филологик келишувларни ўрганишга вақт сарфлашдан нима фойда?

**Мактаб дарсликлари илмий-мантиқий, мукаммал, услуб жиҳатидан қулай ва асосийси, иқтисодий самарали бўлиши лозим. Она тили ва адабиёт дарсликлари бу талабларга етарлича жавоб бера олмаётгани ҳануз таъкидланмоқда. Эндиликда улардаги нуқсон ва камчиликларни бартараф қилиш ёки шу кунгача бўлгани каби аллақаерларинидир бошқачароқ ёзиб чиқиш билан иш битмайди. Дарсликларимизнинг мазмун ва ҳажмини белгилашда кўп нарсаларни дунёнинг бугунги иқтисодий тилида ифодалашимизга тўғри келади. Ана шундагина улар ҳаётий эҳтиёжга айланади.**




Адабиёт қалб меъмори сифатида бадиий матнларсиз яшай олмайди. Таълимда шарҳларга шунчалик берилиб кетдикки, ҳатто кўплаб ўринларда бадиий асар матни бир чеккада қолиб кета бошлади. Кичик ҳажмли "Бемор" ҳикояси учун икки-уч саҳифа атрофида шарҳ... А.Қаҳҳор асарларидаги мухтасарлик олдида эҳтимол, бу ҳам камлик қилар. Аммо болалар учун ҳикоянинг ўзи яхши, такрор-такрор ўқиш завқи аҳамиятли. Ёшларимиз онгини асар ҳақидаги хулосалар билан тўлдиришдан кўра, улар қалбини бадиий матнлар нуридан баҳраманд қилган маъқул. Матн билан етарлича танишмай, у ҳақидаги мақолани ўқиб қўя қолиш мағз қолиб, пўчоққа эга бўлишдир.

Бадиий адабиёт ҳамма вақт ҳам шарҳлашга эҳтиёжманд бўлавермайди. Бувиларимиз эртак айтганида, боболаримиз достон куйлаганларида бунга гувоҳ бўлганмиз. Ҳа, бадиий адабиётни турли даражадаги шарҳлар билан лиқ тўла дарсликлардан эмас, иложи борича бадиий асарларнинг ўзидан, ҳеч бўлмаганда, мажмуалар қамраган матнлар доирасида ўрганган маъқул.

Адабиёт таълимини самарасиз сарҳадларга элтувчи омиллардан яна бири ҳажм муаммосидир. Авваллари бир синфда кўпи билан саккиз-ўн ижодкорнинг асарларидан намуналар бериларди. Бу рақам ўн олти-ўн саккиз ва ундан ҳам ошиб кетмоқда. Таълимда кўпни оз-оздан сийлашдан кўра, озга мукаммал руҳ беришнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, ўқув материалларидаги ҳаддан ташқари тиғизлик талай яхши нарсаларни четлаб ўтишимизга ҳам сабаб бўлади. Гулханий ижодини ўрганишда бир-икки дарс нима ҳам бера оларди? Мажозий ҳикояларнинг масал тўнини кийиб, етакчи мавқе олиб қолиши ва ҳатто асар номини ҳам кўпайтириш (зарб) амали билан алоқадорликда тўғри талқин қилолмаслик ўша тиғизлик туфайли эмасми?

Она тили таълимида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Грамматика грамматика учун қолипидан воз кечиб, грамматика фикрни аниқ ва лўнда ифодалаш учун шиори асосида фаолият бошлаганимизга анча бўлишига қарамай, назарий ўрганишлар кўлами олдингилардан ошса ошдики, камаймади. Тўғри, айрим дарсликларимизда матн машқларига эътибор қаратилганга яқин ҳолатларга ҳам дуч келдик. Аммо бу эзгу умид қоидабозликлар ўрнида эмас, кўпинча уларнинг ёнидан, асосан, уй вазифаси кўринишида жой олишга уриниб кўрди. Шу тариқа грамматика ўзининг ўқиш ва ёзиш санъати деган азалий мазмунидан жуда узоқлашиб кетди ва назарий ўрганишлар кўлами борган сари ошаверди. Бу ўқувчиларда она тилимиз гўзалликларини чуқур идрок қилиш имкониятини чеклаб қўйган. Улар билан қиладиган зарур ишларимиз жуда кўп бўлган бир шароитда талай филологик келишувларни ўрганишга вақт сарф қилишдан нима фойда? Бошланғич синфлардаёқ, ҳали болаларнинг саводи дурустроқ чиқиб улгурмасдан, дастур ва дарсликлар талабига кўра "тагига чизиш"ларни бошлаб юбориш кимга ва нимага керак? Ақл гимнастикаси дейсизми? Ахир, бундай тафаккур машқларини кундалик ҳаётда асқотадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш асосида ҳам бемалол бажарса бўлади-ку!?

Дунё она тили йўналишидаги дарсликларнинг тамомила янги авлодига эҳтиёж сеза бошлаганига анча бўлди. Асосан XIX аср ўрталарида оммалаша бошлаган ва икки асрга яқин вақт давомида ўзининг авж нуқтасига кўтарилган грамматизм салтанати инқирозга юз тутмоқда. Янги дарсликлар тархи пешқадам ўқитувчилар ва маърифат аҳли тасаввурида жонланиб турибди ҳамда юксак эҳтиёж сифатида талай йиллардан бери уларни мафтун қилиб келмоқда. Энди энг илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда дарсликларнинг бутунлай янги авлоди дунёга келади.

**Илаш АБДИЕВ,**
**фахрий ўқитувчи.**

# "ШЕР ВА ДУРРОЖ"

## болани ёлғончиликдан қайтаради



**Танамиз оч қолганда таом истеъмол қилдик, совқатганда либос кийдик. Қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлганда эса руҳимиз нималарнидир қўмсаб қолди. Руҳ танқислиги ҳис этилганда афсоналар, асотирлар тўқилди. Шу тариқа руҳ озиғи сифатида адабиёт вужудга келди.**

Бугун-чи? Руҳимиз эҳтиёжларини қондириш учун соатлаб сериал томоша қиляпмиз ёки ижтимоий тармоқларда ўтириб, гўёки "муродимиз ҳосил" бўляпти. Буларнинг ўрнига асл моҳиятли, мазмунли асар ўқиш руҳимизни яйратишини нега ўйламаяпмиз? Тамаддун ғилдираги илгарилаб, ҳар кимнинг диди, савияси ва ҳаётни англаш тамойиллари турлича тус олди. Шунга кўра, инсонларнинг руҳий истаклари, маънавий эҳтиёжлари ҳам турфа нарсалар билан қондирилмоқда. Бироқ дунёда шундай маънавий бойликлар, инсоний туйғулар ва қадриятлар борки, улар бутун олам, бани башар руҳини бойитишга хизмат қилади. Булар аждодларимиздан қолган оламшумул бойликлар – юксак асарлардир.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий асарлари вақт сарҳадлари оша ана шундай бебаҳо бойликларнинг чўққисидир.

### ИЛМ ВА ИНСОНГА ЭЪТИБОР

Навоий нафақат буюк ижодкор, балки ўз даврининг кўзга кўринган давлат арбоби, тадбиркори ҳам эди. Шоир катта мол-мулкка эга бўлса-да, бойлигини шахсий манфаатлари учун эмас, илм аҳли ва эҳтиёжмандлар учун сарфлайди. "Ихлосия" мадрасаси, "Шифоия" беморхонаси, "Дорул-ҳуффоз" масжиди ва бева-бечоралар учун қурилган "Неъматобод" биноси, ҳаммом, бир қанча дўконлар учун кетадиган сарфларни, айниқса, талабаларга тўланадиган "сарф" - стипендияни Навоий ўз ҳисобидан тўлаган. Эътиборлиси, Навоий талабаларга "сарф"ни уларнинг билим савиясига қараб берган. Бу мутафаккирнинг илм аҳлига бўлган эътибори, кўрсатган ғамхўрлиги намунасидир. Унинг ғамхўрлиги бева-бечоралар, етим-есирлар, мадраса мударрислари, шоирлар ва оддий аҳоли учун ҳам бир хил бўлган.

Алломанинг қайси асарини ўқиманг, унда илм-маърифат ва инсоний хислатлар улуғланган. Шу жиҳатдан ҳам шоир ижоди намуналари кекса-ю ёш, миллату элат танламайди.

### НЕГА НАВОИЙНИ ЎҚИМАЙМИЗ?

Бугун "Навоийни тушунмайман", дейдиганлар кўпайди. Навоийни дунё тан олаётган, олам аҳли унинг маънолар хазинасидан нималарнидир тушунишга уринаётган бир пайтда ўз аждодимиз асарларини тушунмаслик биз учун уят эмасми?! Телевизор қаршисида соатлаб мантиқсиз сериалларни томоша қилишга, ижтимоий тармоқлар, тўй-ҳашамлар, бозор-ўчарлар учун вақт топамиз. Бироқ Навоийнинг икки мисрагина ҳикмати ёки ғазали моҳиятини англаб, уни фарзандларимизга тушунтиришга ҳаракат қилмаймиз. Савиямиз, маънавий дидимиз юксалиш ўрнига кундан-кун саёзлашиб бормаяптимикан, деган ташвишли ўй кечади кўнгилдан.

Яқинда телевизорда буюк мутафаккирнинг "Ҳайрат улаброр" достонидаги "Шер ва дуррож" ҳикояти асосида суратга олинган мультфильмни томоша қилган беш яшар фарзандимнинг "Ойи, ёлғончилик ёмон, ёлғончи охири ўз жазосини олар экан", деган хулосасини эшитиб қувондим. Фарзандларимизга шундай содда усулда Навоий асарларини англатса бўлар экан-ку! Худди шу тарзда Навоий асарлари асосида маъно-мантиқли сериаллар, ибратли фильмлар ишланса, эҳтимол, телеэкран қаршисида ўтириб, маза-матрасиз кинолар кўраётган томошабинларнинг диди ҳам бирмунча ошармиди?!

**Зарина РАҲМОНОВА,**
**мустақил тадқиқотчи.**

**Ҳар бир инсон шинам уй-жойда хорлик, зорлик кўрмай яшагиси келади. Ўзини ўтга-чўққа уриб, кўпроқ пул топсам, орзу ҳавасларимга эришсам, дейди. Бунинг ҳеч қандай айбли жойи йўқ. Ҳалол меҳнати орқасидан данғиллама уй-жойларда ҳеч нарсага зориқмасдан тўқ-фаровон ҳаёт кечираётган юртдошларимиз кўп. Уларга биров ҳавас қилади, бировнинг эса ҳасади келиши ҳам бор гап.**

Мулоҳаза учун мавзу

# Орзуга айб йўқ, аммо...

Аммо... Аммо минг машаққат билан топаётган пулини манманлик, шуҳратпарастлик қилиб, беҳуда, ҳеч бир зарурати бўлмаган данғиллама уй-жой қуришга совураётганлар ҳам афсуски, бор. Албатта, бу ҳар кимни ўзининг иши. Лекин шахсий уй-жойлар чиройли, ҳашаматли бўлиши билан бирга, яшаш учун барча зарур шароитларга эга ҳам бўлмоғи лозим.

- Йигирма йил аввал олис тоғдан қатнаб ишлаш қийин бўлгани учун уй қуриб туман марказига кўчиб келдим, - дейди шифокор дўстим. – Топган-тутганимни емай-ичмай ертўлали, икки қаватли, ўн олти хонали данғиллама тош қаср қурдим. Бу хаёлимга қаердан келди? Нега машаққат билан топган пулимни совурдим, тушунмайман. Ўйлаб қарасам, юқори қаватдаги хоналарга чиқмаганимга ўн саккиз йил бўлибди. Зарурат бўлмаганда. Ҳувиллаб ётибди...



Бугун ҳам шаҳару қишлоқларда лойиҳасиз, мақсадсиз, ташқи кўринишига зўр бериб данғиллама уй қуриб, пул совураётганлар учраб туради. Мулоҳазаларимиздан муддао шуки, энди замон ўзгарди, одамларда онгу тафаккур уйғонмоқда. Шундай экан, энди турмуш маданиятимиз, турар жойларимиз ҳам шунга монанд бўлиши керак. Қурилаётган шахсий уй-жойларда хоналар сони, қаватларга эмас, қулайликка эътибор бериш лозим. Бундай уйларда алоҳида болалар хонаси, улар учун дарсхона, кутубхона, ётоқхона, ошхона, душхона, дам олиш, спорт билан шуғулланиш хоналари бўлса, қандай яхши!

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# НАФС ҚУТҚУСИ

**Эл-юрт мулкига кўз олайтириш, кўпнинг ризқ-рўзини талон-торож қилиш қадимдан оғир гуноҳ ҳисобланган ва аёвсиз қораланган. Нафс қутқуси бор экан, ҳамма иш рисоладагидек бўлмайди.**

Маҳалламизнинг энг салобатли, баобрў, ўзига тўқ, саксон ёшли отахони ҳомийлар келтирган хайрияни яширинча талон-торож қилишда айбланди. Бу пасткашлик ҳақида аллақачон ҳамма биларди, талон-торожни кўрган-билган гувоҳлар ҳам бор, улар бор гапни айтиб ташлашди. Аммо шу отахон ўз қилмишидан тонди. Гап орасида «бола-чақангга қарғиши ургади-я, бу гуноҳингни», деган гапни эшитиб, этларим жимирлаб кетди.

Жиғибийрон ҳолатдаги отахон ўз қилмишидан тонди-ю, бироқ мазаси қочиб қолди, унинг юрак хуружи тутди. Шифокор сифатида дарҳол тез тиббий ёрдам кўрсатдимда, қўлига дори-дармонлар ёзилган қоғозни узатдим. Отахон шашт билан уйига кетди. Эшикка келини чиқди.

- Ҳа, ота тинчликми?
- Неварам қани?
- Уйда, дарс қиляпти.
- Ма, мана бу дўхтир ёзиб берган рецептни бер, дори келтирсин дорихонадан!

Отахон тўшагида бир соатлар тўлғониб ётди, аммо неварасидан дарак йўқ. Келинини хушламасди, бақиришга тушди.

- Қани ўғлинг, ўвв, келин?
- Келиб қолар, ота.
- Қачон? Мен ўлгандами?! Уч қадам-ку ахир аптека...
- Ўзимнинг юрак хуружи доримдан берайми, ота ҳаяжонланманг...
- Керак эмас унақа дори! Дўхтирни чақир!

Уларникига етиб борганимда ички ишлар ходимлари болакайни машина уриб кетганини айтиб туришган экан. Қиёмат қойим қўпти ўша онда. Бола серқатнов кўчадан дорихонага шошиб ўтаётганида нохос юз берган бу фожиа.

- Сен.. сен ёлғиз боламнинг ҳам бошини единг, қари иблис! – отахонни юмдалаб чинқирарди жазавадаги келин.

Шу лаҳза миямга маҳалла чойхонасидаги совуқ гап урилди: «Бегуноҳ бола-чақангга касри уради-я, бу гуноҳнинг!».

Мана оқибат... Нега биз шуларни ҳеч ўйлаб кўрмаймиз. Нега?!

Эл, халқ ризқ-рўзини ўйламай ўмараётганимизда бу ахир бокира болаларимизнинг ҳам насибаси эканлигини нега хаёлимизга келтирмаймиз?

**Муродим УМРЗОҚОВ.**



# Зиёдулла бахшининг муносиб издоши

**Нарпайлик Ислом шоир ҳақида нафақат вилоятимиз бахшилари, балки республикамиздаги номдор бахшилар ҳам яхши билади.**

У киши доим чопонининг қўнжига дўмбирасини солиб термалар айтиб юрган. Бу йил Ислом шоир Назар ўғлининг 150 йиллиги муносиб нишонланади. Нарпайлик бахшининг издошлари ҳам талайгина. Шулардан бири Самад бахши Абдиев.

Самад бахши қўлига қалам олиб, жўшиб шеър ёзади. Уни дўмбирасида куйламаса кўнгли равшан тортмайди. Дўмбираси ҳам оддий эмас. Ислом шоирнинг ўғли Зиёдулла бахшидан мерос. Шунгами дўмбиранинг овози унга илҳом беради, руҳий қувват бахш этади.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ.**




## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**2002 йил, август**

Тойлоқ туманидаги консерва заводида тайёрланган 967 тонна томат пастаси хорижга экспорт қилинди.

Самарқандда дори-дармон ишлаб чиқарувчи "Фарм Доктор Абиди" Ўзбекистон-Англия-Эрон қўшма корхонаси ишга тушди.

Нарпай туманида 900 ўқувчига мўлжалланган саноат-қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш коллежи фойдаланишга топширилди.

**сентябрь**

Каттақўрғон шаҳрида "Компьютер маркази" очилди.

"Япония маданияти кунлари" муносабати билан 13 сентябрь куни Регистон майдонида Япониянинг Окинова ороли миллий рақс ансамблининг концерти намойиш этилди.

Паст Дарғом туманидаги Гўзалкент қўрғонида «Samarqand-ERZI» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолиятини бошлади.

Ўтган 8 ойда вилоят бўйича саноат тармоғида 117610,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

**октябрь**

Япония Янги консерватив партияси бош котиби Тошихиро Никай раҳбарлигидаги делегация Самарқандга келди.

15 октябрь куни Ислом Каримов Самарқандда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида вилоятда бўлди.

19 октябрь куни БМТ Бош котиби Кофи Аннан Самарқандга келди.

**ноябрь**

Нуробод шаҳрининг Амир Темур маҳалласида германиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида "Sobirsoy-Plast" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

27 ноябрь куни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёевнинг қарорига кўра, Шуҳрат Негматов Оқдарё тумани ҳокими этиб тайинланди.

**декабрь**

Халқаро болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг жанубий-шарқ, Балтика ҳамда МДҲ давлатлари бўйича ҳудудий директори Филипп О Брайн, Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича шу ташкилотнинг ҳудудий директори Филит Хейфник ҳамда Ўзбекистон бўйича ЮНИСЕФ ташкилоти раҳбари Бренда Вига Самарқандга келди.

Zarafshon
Самаркандский вестник

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 256 nusxada chop etildi. Buyurtma 282

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: O'.XUDOYBERDIYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X